

№ 6

(24978)

2025-йил
7-феврал,
juma

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



t.me/farhaqiqati

Тайинлов



АСЛОНОВ ШОХИДБЕК ФАРҲОДОВИЧ – Фарғона вилояти ҳокимлиги муассислигидаги "Янги Фарғона" – "Новая Фергана" газеталари таҳририяти бош муҳаррири этиб тайинланди. Бу ҳақида вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шоҳидбек Аслонов 1986 йилда Сўх туманида туғилган. Ўзбекистон миллий университетини тамомлаган. Дастлабки меҳнат фаолиятини 2009 йилда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сўх тумани кенгашида бошлаган. Кенгаш ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази" директори ўринбосари, "Маънавият" газетаси бўлим mudiri вазифаларида фаолият олиб борган. 2015 йилдан 2020 йилга қадар Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона маркази директори бўлган. 2020-2022 йилларда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги лавозимда ишлаган.

Тайинловга қадар вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти mudiri вазифасида хизмат қилиб келатган эди.

ТАҲРИРИЯТДАН: "Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси Шоҳидбек Аслоновни янги лавозимга тайинлангани билан табриклаб, унинг фаолиятига муваффақиятлар тилайди. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаймизки, "Фарғона ҳақиқати" ва "Янги Фарғона" газеталари рақобатчи нашрлар эмас. Ҳар иккала таҳририят Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатини халққа етказишдек масъулиятли вазифани бажаради. Шундай экан, келгусида қучларимизни бирлаштириб, аҳил-иноқ ва ҳамкорликда ишлаймиз, деган умиддамиз.

ДУНЁ ҲУНАРМАНДЛАРИ ЯНА ҚЎҚОНГА ЙИҒИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда 2021 йил 23 августдаги "Халқаро кулчилик форуми ва кулчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари асосида жорий йилнинг сентябрь ойида Қўқон шаҳрида учинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали ва унга уйғун ҳолда Риштон туманида Халқаро кулчилик форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Давоми 2-бетда



Расулжон МИРЗААҲМЕДОВ, Ўзбекистон "Ҳунарманд" уюшмаси раиси

ЁШЛАР САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАСИ:
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

2-бет

АЛИШЕР НАВОЙЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 584 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН
НАВОЙЙ ЖОМИДАН ТОМЧИЛАР

3-бет

СЎХ ЗАЪФАРНИ ҚУВАЙТГА ЙЎЛ ОЛДИ

4-бет

Сайёр қабул: МУРОЖААТЛАР ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ ТОПДИ



Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Солиқ қўмитаси ва яна бир неча республика идоралари раҳбарларининг аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келатган муаммоларга ҳуқуқий ечим топиш мақсадида сайёр қабули бўлиб ўтди.

Марғилон шаҳрида яшовчи Аъзамжон Отажоновнинг отаси катта фарзандларига алоҳида хонадонлар сотиб олиб бергач, Марғилон шаҳар, Баҳовуддин Нақшбандий кўчаси, 88-уйни кенжаси Аъзамжонга ҳада қилиб берганди. Орадан йиллар ўтиб, укасининг хорижда эканидан фойдаланган акаларидан бири ўзига таниш бўлган нотариус орқали мазкур уйни ўз номига "расмийлаштириб" олади. Аъзамжон оиласи бағрига қайтганида, уйсиз қолганини билди. 2013 йилдан буён ўз ҳуқуқини химоя қилиб, бир неча бор судга муурожаат қилди. Бироқ даввоси қаноатлантирилмади.

Давоми 2-бетда

Ошми аммо аччиқ гаплар

"Арзоннинг шўрваси татимайди"ми?



"Ўтиб қолгунча, отиб қол" қабилида иш тутадиган айрим "уддабурон"лар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларига аҳоли талаби ошган паллада нархларни сунъий равишда ошириб юбориш ҳолатлари учраб туради. Айниқса, қиш фаслининг шу кунларида.



Фарғона шаҳридаги "Марказий деҳқон бозори" маъмурияти нарх-навоининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг 10 декабридан бошлаб ҳудудда ташкил этган арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркаси вилоят маркази аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Бу савдо расталарида кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган ёғ, гўшт, дук-қакли, полиз, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилапти.

Давоми 3-бетда

Ёшлар sanoat va tadbiqkorlik zonasini: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Фаргона шахрининг Қиргули мавзесидаги 3 гектар майдонда жойлашган "Ёшлар sanoat va tadbiqkorlik zonasini"да ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жадал тус олмакда. Бу ерда қиймати 40,4 миллиард сўм бўлган 12 та лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида 200 га яқин иш ўрни яратилди.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



бу шунингдек, Россия, Қозғистон, Тожикистон давлатларида сотиляпти. Тадбиркор хурудда яна бир лойиҳа — пистани қадоқлаб сотишни ҳам йўлга қўйди. "Нур дйер ёғдуси" бренди остида асосан Афғонистон, Қирғизистон давлатларида экспорт қилинаётган махсусотларнинг қадоқланишидан харидорга ўз вақтида етиб боришига қадар бўлган жараёнлар уқаси Жамолидин Умарчаевнинг зиммасида.

3 навбатиди, ёшларнинг стартап-лойиҳалари рўёбга чиқишига қўмаклашиш асносида, "дафтар"ларга киритилган, вақтинча ишсиз йигит-қизларнинг доимий иш билан таъминланишига кенг йўл очилди. Эътиборлиси, бу ерда фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатди. Таъқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли тўқимачилик махсусотлари, иситиш қозонлари, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё воситалари, автомобиль қисмлари, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. — Мазкур саноат ва тадбиркорлик

билан шуғулланмоқда. Тадбиркорга "Ёшлар sanoat va tadbiqkorlik zonasini"дан 10 сотих ер ажратилган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 920 миллион, қиймати 1 миллиард 150 миллион сўмлик лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли жамиятнинг 7 турдаги махсусотлари ички ва ташқи бозорда харидориги бўлмакда. — 15 нафар ишчимизнинг 7 нафарини "Ёшлар дафтари"га киритилганлар ташкил этади, — дейди тадбиркор. — Қолаверса, хоригжда ишлаб қайтган ёшлар учун ҳам иш ўрни яратиш келмоқда. Тадбиркор Алишер Умарчаевнинг таъкидлашича, у 60 сотих ер майдони учун шартнома асосида хар йили 3 миллион 800 минг сўм миқдориди ажара тўлови тўлайди, холос. "Enjoy textile" масъулияти чекланган жамиятнинг 2029 йилга қадар солиқ тўловларидан озод этилгани унга жуда қўл келди. Илгарилари корхона кунига трико-таж чикиндиларидан 2-3 тонна саноат пахтаси ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда дастгоҳлар сони кўпайтирилиб, кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 7 тоннага етди. Махсусот ички бозорда,

Сайёр қабул: МУРОЖААТЛАР ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ ТОПДИ




Бошланиши 1-бетда.

Ўтган куни Аъзамжон Отажонов сайёр қабулда бўлди. Буни қарангки, уни узоқ йиллардан бун ечимини топмаётган муаммоси шу куннинг ўзида ҳал этилди. Нотариусда "расмийлаштирилган" уй ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганида, қалбақлаштирилгани, ҳада шартномаси ўз кучида экани аниқланди. Шу тариқа, муурожаатчининг эгаллик ҳуқуқи таъминланди. — Уйни қайтариб олиш мақсадида югур-югур қилиб юрган кезларим турмуш ўртоғим вафот этди, қизим билан анча вақт уйсиз қолдик, қанча вақтимизни, соғлигимизни бой бердик. Мана ниҳоят ҳақиқат қарор топди. Бунинг учун мутасаддиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди у. Фаргона шахрида яшовчи Муҳаббатхон Бойбабова Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Фаргона вилояти филиалидан кредит олиб, давлат шерикчилиги асосида хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этган эди. "Covid-19" пандемияси туфайли боғча фаолияти вақтинча тўхтатилди. Мамлакатимизда бу даврда кредит маблағларини қайтаришда тадбиркорларга қатор имтиёزلар берилди. Вақт ўтгач, Муҳаббатхон опага имтиёзли давр қўлланилмагани маълум бўлди. Шу сабабли суд қарори билан тегишли қарзни ундириш белгиланди. Сайёр қабул жараёнида унинг суд қароридан норози бўлган муурожаати ижобий ҳал этишига йўналтирилди. — Тошлоқ туманидан келдик, — дейди Сапурахон Хонтўраева. — Турмуш ўртоғим майда безорилик содир этгани ҳолда 27 январь куни суд қарори билан 15 суткага озодлиқдан маҳрум этилди. У ўзини қамоққа олинган даржада айб иш қилмаган деб хисоблайди. Шундан сўнг мен бу қарордан норози бўлиб, сайёр қабулга келдим. Муурожаатим назоратга олинди. Сайёр қабулга келган фуқаролар муаммоларининг асосий қисми қабул жараёнида ижобий ҳал этилди. Урганиш жараёни маълум вақт талаб этадиган масалаларни қонуний тартибда кўриб чиқиш юзасидан масъуллар бириктирилиб, ижроси бўйича муудат белгиланди. Республика ишчи гуруҳининг минтақавий сайёр қабуллари вилоятимизнинг бошқа шахар ва туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

ДУНЁ ҲУНАРМАНДЛАРИ ЯНА ҚУҚОНГА ЙИФИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда.

Хунармандчилик фестивалида мамлакатимизнинг 700 нафар ҳамда 50 дан зиёд хоригий давлатдан 150 нафар хунармандлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Халқаро миқёсдаги тадбирнинг Қўқон шахрида ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки, ушбу шахар қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказлардан бири бўлиб келган. Бу ерда хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Уста-шоғирд аъёнлари, оилавий сулолалар хунармандчилигининг сирасорларини аждодлардан авлодларга етказиб келмоқда. Бу-гунги кунда ҳам миллий аънава изчил ривожланмоқда. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги, қоғозгарлик, чилангарлик, заргарлик каби



миг нафарга яқин хунармандлар иштирок этиши кўзда тутилган. Иккинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри бўйича апрель ойида бўлиб ўтади. Унда миғ нафарга яқин хунармандлар иштирок этиши режалаштирилган. Фестиваль доирасида бир қатор маданий тадбирлар, фестивал иштирокчиларининг тантанали юришлари, маҳаллий ва хоригий хунармандларнинг махсусотлари кўргазмасадоси, илмий конференция, матбуот анжуманлари, хоригий ва ўзбекистонлик хунарманд-дизайнерлар иштирокидаги модалар намойиши, халқ сайиллари, қўғирчоқбозлик ва дорбозлик томошалари, вилоятлар фольклор жамоалари ва санъаткорларнинг концерт дастурлари, ош танловлари, маҳаллий ва хоригий хунармандларнинг маҳорат дарслари, Қўқон шахрининг маданий-кўнгилоочар жойлари ва туристик маршрутлари бўйлаб саяҳатлар ўтказилади.

Халқаро Хунармандчилик фестивали миғ нафарга яқин хунармандлар иштирок этиши кўзда тутилган. Иккинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри бўйича апрель ойида бўлиб ўтади. Унда миғ нафарга яқин хунармандлар иштирок этиши режалаштирилган. Фестиваль доирасида бир қатор маданий тадбирлар, фестивал иштирокчиларининг тантанали юришлари, маҳаллий ва хоригий хунармандларнинг махсусотлари кўргазмасадоси, илмий конференция, матбуот анжуманлари, хоригий ва ўзбекистонлик хунарманд-дизайнерлар иштирокидаги модалар намойиши, халқ сайиллари, қўғирчоқбозлик ва дорбозлик томошалари, вилоятлар фольклор жамоалари ва санъаткорларнинг концерт дастурлари, ош танловлари, маҳаллий ва хоригий хунармандларнинг маҳорат дарслари, Қўқон шахрининг маданий-кўнгилоочар жойлари ва туристик маршрутлари бўйлаб саяҳатлар ўтказилади. Халқаро Хунармандчилик фестива-



ли низомига асосан, тадбир доирасида маҳаллий ва хоригий хунармандлар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтади. Уларнинг маҳоратини юқори малакали мутаҳассислар, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг соҳалар намоёндаларидан иборат халқаро ҳайъат баҳолаб боради. Ҳайъат хунармандларнинг махсусотлари кўргазмаси ва маҳорат дарсларини 5 та номинация — "Энг яхши хунарманд", "Энг ёш хунарманд", "Энг яхши кулол", "Энг яхши кулолчилик мактаби устаси", "Қадимий сулола давомчиси" ва "Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд" номинациялари бўйича баҳолайди. Худобёрон ўрдаси майдонида ғолиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими ва гала-концерт бўлиб ўтади.

Шунингдек, мазкур фестивалга уйғун ҳолда Риштон туманида Халқаро кулолчилик форуми ташкил этилади. Таъкидлаш жоизки, Риштон қадимдан Марказий Осиёдаги сир-мизнинг 14 та хурудидан 100 нафар ҳамда 20 та давлатдан 40 дан зиёд мохир кулоллар иштирок этиши белгиланган. Бу тадбир доирасида ҳам халқаро илмий-амалий анжуман, энг сара асарлар кўргазмаси, маҳаллий ва хоригий кулоллар махсусотлари кўргазма-савдоси, "Қошинпазлик" — ютуқ ва муаммолар ҳамда кулолчилик махсусотларининг ишлаб чиқирилиши, экспорти соҳасидаги муваффақиятлар ва тўсиқлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилади. "Энг яхши кулол", "Энг яхши кулолчилик мактаби устаси", "Кулолчилик бўйича қадимий сулола давомчиси", "Қадимий аъёнларни қайта тиклаган кулол", "Энг ёш маҳоратли кулол", "Энг мохир аёл кулол" номинациялари ғолиблари аниқланади ва улар махсус диплом, пул мукофоти билан тақдирланади. Ишончимиз комил, бу галги Халқаро хунармандчилик фестивали ва кулолчилик форуми ҳам халқ сайли сифатида, байрамона ўтади. Мазкур форумда мамлаката-

